

БАНК АЖБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тadbиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 21 (1096), 2017 йил 26 май

Ислом тараққиёт банкининг янги лойиҳалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ислом тараққиёт банки Президенти Бандар Ҳажар билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан ИТБ ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани, томонлар ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида кенг кўламли ҳамкорлик қилаётгани таъкидланди. Ислом тараққиёт банки томонидан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, ирригация ва мелиорация, энергетика, сув таъминоти, коммунал хўжалик, йўл инфратузилмаларини ривожлантириш, кичик бизнесни қўллаб-

қувватлаш каби соҳаларга маблағ ажратилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Ҳамкорликни янада тараққий эттириш, уни янги bosқичга кўтариш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Янги лойиҳалар тузиш, шериклик кўламини кенгайтириш мақсадида турли даражадаги делегациялар алмашуви бўйича аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Самарқанддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳузурда инсоният тараққиётига беназир ҳисса қўшган бу-

юк аждодларимизнинг бой диний-маънавий меросини ўрганишга ихтисослашган халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этишда ИТБнинг иштироки юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Ислом тараққиёт банки ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга доир бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Ислом тараққиёт банки ўртасида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини тузиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

ЎЗА материали асосида.

ФАЙЗУЛЛА МУЛЛАЖОНОВ

Мамлакатимиз банк-молия тизими оғир жудоликка учради.



марали фаолият кўрсатиб, Ф.Муллажонов эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида банк-молия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, миллий валютаимзони жорий этиш, олтин-валюта захирасини мустаҳкамлаш, банк соҳаси учун замонавий кадрлар тайёрлаш борасида ўзининг юксак ташкilotчилик ва ташаббускорлик қобилиятини намоён этди.

Ўзбекистон банк тизими асосчиларидан бири, атоқли иқтисодчи, тажрибали раҳбар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Файзулла Мақсуджонович Муллажонов шу йил 23 май куни 67 ёшида тўсатдан вафот этди.

Ф.Муллажонов 1950 йили Сирдарё вилоятида туғилди. 1971 йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)ни иқтисодчи мутахассислиги бўйича тaмомлади. Меҳнат фаолиятини давлат банки Сирдарё вилояти бўлимида кредит назоратчиси вазифасидан бошлади. Кейинчалик ушбу вилоятда банк соҳасида турли масъул лавозимларда хизмат қилди.

Катта меҳнат ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган Ф.Муллажонов 1991 йилда, мамлакатимиз эндигина давлат мустақиллигини қўлга киритиб, янги даврга қадам қўйган мураккаб бир шароитда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси этиб тайинланди.

Ана шу ўта масъулиятли лавозимда қарийб 26 йил са-

Ф.Муллажоновнинг Ўзбекистон банк тизимини халқаро талаб ва мезонлар асосида тараққий топтириш, унинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини ошириш борасидаги катта хизматлари халқимизга яхши маълум.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳа ва тармоқларида хизмат қилиб келаётган кўплаб раҳбар ходимлар, банк-молия мутахассислари ҳақли равишда ўзларини Ф.Муллажоновнинг шоғирдлари, деб ҳисоблайдилар.

Ф.Муллажоновнинг кўп йиллик самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи» фахрий унвони, «Меҳнат шуҳрати» ва «Фидоқорона хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган эди.

Ўзбекистон банк-молия соҳасининг йирик намоёнандиси, меҳрибон устоз, камтарин инсон Файзулла Муллажоновнинг хотираси қалбимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Н.ЙЎЛДОШЕВ, Н.ИСМОИЛОВ,
А.АРИПОВ, У.ИСМОИЛОВ

(ЎЗА).

Ҳаракатлар стратегияси ижроси таъминланмоқда

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.



Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида қатор муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, банк тизимини息лоҳ қилишни чуқурлаштириш, барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш вазифалари ҳам ўз аксини топган.

Тadbирда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ тизимида Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар иж-



роси хусусида сўз бориб, муассаса томонидан ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш

мақсадида банк ресурс манбаларини янада шакллантириш, чакана хизматлар жозибadorлигини ошириш, хизмат кўрсатишда тезкорлик ва сифат мезонларига тўла амал қилиш юзасидан изчил ишлар фаол давом эттирилаётгани қайд этилди.

(Давоми 4-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 23 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2841,28	1 Канада доллари	2824,95	1 Норвегия кронаси	456,05	1 евро	4245,83
1 Англия фунт стерлинги	4967,36	1 Хитой юани	554,74	1 Польша злотийси	1020,14	10 Жанубий Корея вони	34,22
1 Дания кронаси	574,54	1 Кувайт динари	12590,08	1 Сингапур доллари	2754,48	10 Япония иенаси	342,52
1 БАА дирҳами	1040,26	1 Россия рубли	66,84	1 СДР	5274,53	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	3820,46	1 Украина гривнаси	144,88	1 Туркия лираси	1068,72		
1 Миср фунти	210,96	100 Ливан фунти	254,02	1 Швеция кронаси	437,74		
1 Исландия кронаси	38,22	1 Малайзия рингити	887,45	1 Швейцария франки	3921,64		
Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курси:							
1 USD ▲ 3820,46 – (3790,00)		1 EUR ▲ 4245,83 – (4125,29)		1 GBP ▲ 4967,36 – (4888,73)		10 JPY ▲ 342,52 – (334,22)	

Файзулла Мақсуджонович Муллажонов хотираси мангу қолади

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раиси сифатида меҳнат қилган ва барчамиз учун кадрли бўлган жонкуяр инсон – Файзулла Мақсуджонович Муллажонов вафот этди.


Файзулла Мақсуджонович Муллажоновнинг вафоти барчамиз учун оғир жудодик бўлди.

Ажойиб фазилатлар соҳиби, зиёли инсон, интилувчан ва доно шахс хотираси қалбларимизда абадий қолади.

Ф.М.Муллажонов гоят мураккаб ва масъулиятли даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига раҳбарлик қилди. Унинг мамлакатимиз банк-молия тизими ривождаги хизматлари беқиёсдир. Айнан мамлакатимизда янги моделли банк тизими шаклланиши, валюта операцияларини йўлга қўйиш, барқарор монетар сиёсатни юритиш, кредитлашнинг турли шаклдаги механизмларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш каби ислохотлар бевосита унинг номи билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Файзулла Муллажоновнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки жамоаси.**



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси Файзулла Мақсуджонович Муллажонов баркикенг инсон, юксак билимга эга, интилувчан шахс эди.

Ф.М.Муллажонов Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида раҳбар сифатидаги фаолиятини эндигина халқ ва давлат манфаатига тўлиқ жавоб берувчи янги жамият шаклланишни бошлаган 90-йиллар аввалида, мураккаб бир шароитда бошлаган эди. Файзулла Мақсуджонович молиявий мустақкам, барқарор банк тизими мамлакат миллий иқтисодиёти ривожининг муҳим омили эканлигини яхши билар эди. У даврлар эса жуда мураккаб эди: мамлакатимиз эндигина эски маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан воз кечиб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган, фуқаролик жамияти шакллантирилган очиқ демократик давлатни барпо этишни эълон қилган эди. Бу шундай давр эдики, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ўсиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга киришган эди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов мамлакатимизни собиқ хомашё етказиб берувчи республикадан иқтисодиёти ривожланган замонавий демократик давлат қуриш йўлида барча зарурий саъй-ҳаракатларни сафарбар қилди.

Айнан шундай мураккаб давр, яъни давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда туб янгиланишлар жорий этилиши бошланган пайтда Ўзбекистон Республикаси Марказий бан-

ки Раиси лавозими Файзулла Мақсуджонович Муллажоновга ишониб топширилди. Мамлакатимиз суверен давлат сифатида ривожланишнинг муҳим шарти миллий иқтисодиётни шакллантириш эканлигини чуқур ҳис қилган Ф.М.Муллажонов Ўзбекистон учун энг аввало, банк-молия тизимини ривожлантириш нечоғлик муҳим аҳамиятга эгалигини тушунар эди. Бу борада кенг миқёсли ислохотларни амалга ошириш учун унда билим, тажриба, салоҳият етарли эди. Айнан унинг бошчилигида республикадаги акциядорлик тижорат банклари узоқ ва мураккаб ривожланиш йўлини сиб ўтди ва 2000-йиллар бошига келиб мамлакат миллий иқтисодиётини бутунлай қўллаб-қувватлай олишга қодир, мустақкам банк-молия институтига айланди. Шунингдек, унинг бошчилигида мустақил Ўзбекистон иқтисодий ривожланиши стратегияси бевосита тижорат банкларининг инвестицион-молиявий кўмаги асосида шакллантирилди.

Ф.М.Муллажонов раҳбарлиги остида Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси жорий этилди, банк тизимида ислохотлар амалга оширила бошланди. Пировардида мамлакатимиз банклари ўзининг молиявий барқарорлик ва ликвидлик даражасини мустақкамлашга эришди, банк активлари ва кредит портфеллари сифати ортди.

Ф.М.Муллажоновни тажрибали банк раҳбари ва буюк иқтисодчи сифатида ҳурмат қилувчи ҳамкасблари, шогирдлари ҳамда халқаро мутахассислар Ўзбекистон банк

соҳасидаги ютуқларни унинг номи билан боғлайди. Банк-молия тизими барқарор фаолият юритиши, монетар, пул-кредит сиёсатини мувозанатга келтиришда унинг хизмати ва тажрибаси қўл келди. Унинг хизмати билан тез суръатларда банк кредит портфелининг таркиби сезиларли даражада ўзгарди. 2000 йилда банк портфелининг 54 фоизи ташқи қўйилмалар ҳисобига шакллланган бўлса, 2010 йилга келиб жами кредитларнинг 85,1 фоизи ички манбалар ҳисобига юзага келди. Бу борада Марказий банк раҳбарига мамлакатимиз Биринчи Президенти томонидан зарурий амалий кўмак кўрсатилди.

Банк фаолияти самарадорлигини баҳоловчи мезонлардан бири шу бўлдики, Ф.М.Муллажонов иқтисодиёт реал секторининг кредит манбаларига бўлган эҳтиёжини қаноатлантира оладиган механизмни ишлаб чиқа олди. Мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлари автомобилсозлик, нефть-газ, қимё, электротехника ва бошқа қатор стратегик муҳим соҳаларда юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилди. 2000-йил ўрталарига келиб банк тизими иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги йирик кўламли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда фаол иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарининг энг муҳим хизматларидан яна бири бугунги кунга келиб Ўзбекистон банк-молия тизимининг ривожланиш стратегияси нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тан олингани би-

лан бевосита боғлиқ. Бу эса муҳим аҳамиятга эга воқеалиқдир. Зотан, замонавий дунёда мамлакатнинг ўрни ва аҳамияти ундаги банк-молия тизимининг нечоғлиқ барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва мустаҳкамлиги билан белгиланади.

Ф.М.Муллажонов сийқаси чиққан ва эски маъмурий банк тузилмасини самарали фаолият юритаётган, мамлакат миллий иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга қодир молиявий институтга айланганди. Ф.М.Муллажонов бошчилигида мустақил Ўзбекистонда акциядорлик-тижорат банклари давлатга тегишли банк ташкилотларига муқобил муассасалар сифатида фаолият юрита бошлади. Бошқача айтганда, банк тизими иқтисодиётда рақобат механизми амалда ишлаган биринчи соҳа эди. «Пул», «кредит», «сармоя» сингари тушунчалар эса бозор иқтисодиётига оид тушунчаларга айланганди. Ф.М.Муллажоновнинг Ўзбекистон банк тизimini халқаро талаб ва мезонлар асосида тараққий топтириш, унинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини ошириш борасидаги қатта хизматлари халқимизга яхши маълум.

Шубҳасиз, юқори рейтинг кўрсаткичларига эга мамлакатимиз тижорат банкларининг ютуқлари ҳам бу инсоннинг номи билан боғлиқ.

2010 йилга келиб республикадаги қатор тижорат банклари «Moody's», «Fitch Ratings» ва «Standard & Poor's» сингари нуфузли халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳоларини кўлга киритди.

Ф.М.Муллажонов раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қарийб 26 йил мобайнида замонавий, самарали фаолият юритадиган банк-молия тизimini шакллантириш учун барча зарур чора-тадбирларни амалга оширди. 1991-2017 йилларда Ўзбекистон банк тизими шаклланди, тараққий этди, пировардида замонавий инфратузилма ҳамда мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий асосга эга, самарадор ҳамда муҳим ютуқларга эришган банк тизимига айланганди.

Ф.М.Муллажоновнинг билими ва тажрибаси республикадаги банкларнинг барқарорлигини кўрсатувчи муҳим омил – ликвидликка эришишда кўл келди. Бир неча йиллардан буён Ўзбекистон банкларининг ликвидлик даражаси барқарор деб баҳоланмоқда. Мазкур кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг жаҳондаги кўплаб нуфузли банклари ва халқаро рейтинг агентликлари томонидан молиявий барқарор муассаса сифатида баҳолашига сабаб бўлмоқда. Бундай баҳолар эса халқаро ҳамкорлик масалаларини ривожлантириш ва халқаро

институтларнинг кредит ланиялари ажратилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган банк тизимининг дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ҳамкорлиги янада фаоллашаётгани бежиз эмас. Ўзбекистон банк соҳасида амалга оширилган ислохотларга нисбатан ижобий муносабатнинг юзга келиши жаҳон молия институтлари томонидан мамлакатимиздаги банкларга кредит линиялари ва трансларнинг тақдим этилишига оид янгидан янги келишувларнинг тузилишига сабаб бўлмоқда.

Узоқни кўра билувчи ва истиқболли фикрловчи раҳбар Ф.М.Муллажонов банк назорати бўйича меъёрий асосни Базель кўмитасининг янги талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ тарзда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Унинг ташаббуси билан «Базель III» халқаро стандартларининг юртимиздаги банкларга босқичма-босқич жорий этилиши Ўзбекистон банкларини янги ривожланиш даражасига олиб чиқди. Ўзбекистон бугунги кунда фахрланса арзийдиган натижаларга эришди: Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистоннинг «Doing Business» («Бизнесни юритиш») индекси бўйича мамлакат рейтинги 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 113 поғонага ўсди. 2015 йил давомида эса Ўзбекистон «кредитлаш» индикатори бўйича ўз кўрсаткичларини 63 поғонага кўтаришга эришди. Бу каби натижалар банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигидан далолатдир.

Американин «Global Finance» журнали талқинига кўра, Ф.М.Муллажонов 2015 йилда дунёнинг энг яхши марказий банк раҳбарлари рўйхатига киритилган.

Модомики, бугун эришилган ушбу рақам ва кўрсаткичлар банк соҳаси яна бир юқори босқичга кўтарилганидан далолат бериб, бу натижаларда Ф.М.Муллажоновнинг ҳиссаси бекиёс эканлигини қайд этиш жоиздир. Ўзбекистонда иختисослашган банк таълим муассасаларининг ташкил этилиши, уларда янгича ўқитиш моделининг ишлаб чиқиши ва мамлакатимиз банк тизимида малакали мутахассисларнинг сафи кенгайиб борганлиги ҳам Ф.М.Муллажонов номи билан боғлиқ. Ҳозирда ушбу таълим муассасалари томонидан миллий банк тизими учун касбий маҳорати юқори бўлган мутахассислар етиштирилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон банк-молия соҳасининг стратегик ривожига мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбари,

унинг сафдош ҳамкасблари ва олимлар томонидан алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада мамлакатимизда босқичма-босқич равишда мижозлар манфаатига йўналтирилган, рақобат унсурлари ва бозор шакл-шамойилига эга, янги моделли банк тизими шаклланди. Шунингдек, Файзулла Мақсуджонович яна бир ҳақиқатни ёдидан чиқармади: миллий иқтисодиётимизнинг тобора ривожланиб бориши мамлакатимиз банк тизими олдига ечимини кутаётган долзарб вазифаларни илгари сурарди. Банк тизimini шу қадар тараққий эттириш керак эдики, токи у барча амалга оширилаётган янгиланишларнинг ишончли пойдевори сифатида хизмат қилиши талаб этиларди. Бу, аввало, миллий валютанин жорий этилишидан тортиб, то кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг иқтисодий самарадорлиги лойиҳалари ҳамда йирик инвестициявий лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашни назарда тутарди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбари қарийб 26 йил мобайнида кундан-кунга мураккаблашиб ва жиддийлашиб борган бу вазифаларни амалга оширишга қодир, замонавий, самарали банк тизими ишлашини таъминлади. Айни пайтда бу раҳбар банк фаолиятининг самарадорлиги юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг натижасига, пировардида давлатимизнинг иқтисодий нуфузига таъсир кўрсатишини чуқур ҳис қилган. Мамлакатимиз иқтисодий асоси саноят мажмуалари фаолияти билан боғлиқлиги банк тизими олдидagi вазифаларни янада мураккаблаштиради.

Мамлакатимиз Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида банк тизimini янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида ургу берилди. Ф.М.Муллажоновнинг бевосита иштирокида банкларнинг молиявий-инвестициявий салоҳиятидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳамда саноят ривожланиши, корхоналарни модернизациялаш ҳамда тадбиркорлик ва бизнес жараёнларини кенгайтиришга замин яратувчи дастурлар ишлаб чиқилди. Шу боис Марказий банк ва унинг биринчи раҳбари Ф.М.Муллажоновнинг мамлакатда барқарор банк тизими шаклланиши ва Давлат дастурларини мақсадли қўллаб-қувватлашдаги хизмати бекиёсдир.

Файзулла Муллажонов ёди ҳамisha ўз яқинлари, дўстлари, ҳамкасблари ва издошларининг қалбида мангу қолади.



Ҳаракатлар стратегияси ижроси таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган энг долзарб вазифалардан бири аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва уларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини таъминлашдан иборат, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари Ғофуржон Абдурахмонов. – «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурига мувофиқ, республикамиз бўйлаб жорий йилда қурилиши мўлжалланган янги уй-жойларнинг 5 625 таси учун банкимиз томонидан уй-жой олувчи фуқароларга шу кунга қадар (22 май ҳолатига кўра) қарийб 200 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажра-

доир лойиҳалар учун 158,0 млрд. сўмдан ортиқ инвестициялар, худудларни 2017 йилда комплекс ривожлантириш онлайн дастурига асосан жами 262 та лойиҳага 45,9 млрд. сўм миқдоридан сармоялар (яратилган иш ўрни 1 541 та), кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 424,3 млрд. сўм (муассасанинг ўз маблағлари) ҳажмида кредитлар йўналтирилгани маълум қилинди.

«Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастури асосида мазкур банк ходимлари томонидан 422 339 та хонадонга ташриф буюрилиши натижасида банкдан кредит олиш истagini билдирган (36 288 нафар) фуқароларнинг 30 288 тасига 213,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

ҳам аҳоли, хусусан, мижозлар билан яқиндан ишлаш, уларнинг таклиф ва шикоят кўринишидаги турли мурожаатларини чуқур ўрганиш, таҳлил этиш ва қисқа муддатда жавоб бериш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ҳозирда банк Бошқаруви қарори билан ташкил қилинган янги тузилма – Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси мана шундай ишларга масъулдир.

– Аҳоли билан мулоқотни самарали олиб бориш, уларни банк хизматлари билан янада яқиндан таништириш, бизнесга оид кўникмаларини ошириш, янги интерактив хизматларга кўпроқ жалб қилиш мақсадида банкимиз томонидан худудларда «Қишлоқ қурилиш банк»

2017 ЙИЛ – ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



Ҳар бир оила даромади – фаровон турмуш асоси

Тижорат банклари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган вазифаларни бажариш юзасидан кенг қўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, аҳолини тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиш, уларнинг банк хизматлари ва кредит маблағларига бўлган эҳтиёжини ўрганиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш истagini билдирган фуқароларга намунавий лойиҳаларни таклиф этиш ҳамда кредит ҳужжатларини тайёрлаш бўйича тегишли маслаҳатлар бериб, қисқа муддатларда кредит маблағларини ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Тошкент вилоятида банкимизнинг етти филиали (Ангрен, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ шаҳарлари ва Оҳангарон, Чиноз ва Зангиота туманлари) ҳамда 18 та мини-банк мижозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда, – дейди «Ипотека-банк» АТБнинг Тошкент вилояти филиали бошқарувчиси ўринбосари Шуҳрат Қўрғонов. – Мазкур филиалларимиз «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш» дастури юзасидан 75 та маҳалладаги 88 600 дан зиёд хонадон шариоатларини ўрганишни ўз зиммаларига олган ҳолда тегишли ишларни амалга оширмоқда. Бунинг учун аҳоли ўртасида бизнес имкониятларини тушуштириб бериш қобилиятига эга 112 нафар ходимдан иборат 9 та ишчи гуруҳи тuzилиб, улар маҳалла ва хонадонларга бириктирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, кўчабоши ва маҳалла фаоллари иштирокида семинарлар ўтказмоқда. Маҳаллаларда хонадон аъзоларини кредитлаш йўналиши бўйича банк хизматлари ҳақидаги барча маълумотлар, маҳаллага бириктирилган банк ходими, бошқарувчиси ва уларнинг телефон рақамлари келтирилган «Тадбиркорлар бурчаги» ташкил этилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари ҳар бир хонадонга кирган ҳолда савол-жавоб анкетаси тўлдириб, хонадон аъзоларининг тадбиркорлик фаолияти тажрибасига эгаллиги, хонадон аъзоларининг даромади, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истаги ва имконияти мавжудлиги, ушбу фаолият билан шуғулланиш учун шариоити бор ёки йўқлигини чуқур ўрганди.

Бунда маҳалланинг кам таъминланган оилалар рўйхатида турувчи хонадон аъзоларини тадбиркорликка жалб қилишга кўмаклашиш ҳамда уларни келгусида юқори даро-

мад олувчи оилалар сафига қўшишга алоҳида эътибор қаратилди.

– Вилоятдаги тўртта филиалимиз шаҳарлар (Ангрен, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ) худудида хизмат кўрсатаётгани сабабли аҳолини шаҳар шариоитдан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш, касаначилик, савдо ва хизмат кўрсатиш (сартарошхона, тикувчилик, қандолатчилик, пойабзал таъмирлаш, компьютер хизмати, ўқув курслари, манзарали гулчилик, тўй ва базмларни безатиш хизмати, хонадонларни ва сантехника жиҳозларини таъмирлаш хизмати) йўналишларида тадбиркорликка жалб қилишни мақсад қилиб олдик, – дейди Шуҳрат Қўрғонов. – Хусусан, Олмалик шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Боиржон Қаршибоевга металл буюмларга ишлов бериш бўйича тадбиркорликни бошлаши учун 10 млн. сўм миқдоридан кредит ажратилди. Ҳозир ушбу тадбиркор томонидан аҳолига темир панжаралар, темир дарвоза ва эшиклар, темир сўри ва бошқа темирдан ишланган маҳсулотлар етказиб берилиб, кунига ўртача 50-60 минг сўм, ойига эса 1,5 млн. сўмдан ортиқ фойда кўрилмоқда. Бекобод шаҳридаги 14-даҳада яшовчи Дилшод Жалиловга ижарага бино олиб, аҳолига маиший хизматлар, шу жумладан, фото ва видео хизматларини ташкил этиш мақсадида замонавий оргтехника воситасини (фотокамера ва принтер) сотиб олиши учун 8,5 млн. сўм миқдоридан кредит берилди. Айни пайтда Д.Жалиловнинг ўртача кунлик тушуми 80-100 минг сўмини, ойлик даромади эса, 2-2,5 млн. сўмни ташкил қилиб, солиқ ва бошқа харажатлар чегириб ташлангандан сўнг 1,5 млн. сўм атрофида фойда олмақда. Ангрен шаҳрида тикувчиликни бошлаган Марҳамат Абдурахмонова ҳам (6,2 млн. сўмлик кредит олиб) ўз хонадонидан аҳолига ўртача бир кунда 70 минг сўмлик кўрпа, ёстиқ, парда, чойшаб ва чоки буюмлар ҳамда келин либослари етказиб бериб, бир ойда оила бюджетига 1,5 млн. сўм миқдоридан қўшимча фойда келтирмоқда.

Кредит суммаси унчалик катта бўлмаган бундай лойиҳаларни узоқ санаш мумкин. Албатта, бу йўналишдаги савъ-ҳаракатларимизнинг аҳамияти ажратилган кредитлар ҳажми ёки сонидан эмас, балки улар бераётган самаралар салмоғидадир.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



тилди. Шу ўринда айтиш лозимки, худудларда ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш, замонавий уй-жойларни барпо этиш йўналишида ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан хорижий институтларнинг молиявий ресурсларини жалб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бир неча йилдирки, биргина «Қишлоқ қурилиш банк»нинг стратегик фаолиятига ҳукумат кўмағида Осиев тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, жорий йилдан бошлаб эса, Араб иқтисодиётини ривожлантириш Қувайт жамғармаси каби қатор ташкилотлар ҳамроҳлик қилиб келмоқда.

Анжуманда, шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, уларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун 11 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли микрокредит хизматлари кўрсатилди. Тадбиркор аёллар раҳбарлик қилаётган хўжалик субъектларига 97,8 млрд. сўм, янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектлари, оилавий тадбиркорлар ҳамда касаначиликка 87,8 млрд. сўм миқдоридан микрокредитлар тақдим этилди.

Ҳаракатлар стратегиясида халқ билан мулоқот қилиш ва фуқароларнинг мурожаатларига ўз вақтида ечим топишга алоҳида эътибор қаратилган. «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида

хизматларининг тақдимот маросимлари ўтказилмоқда, – дейди Ғ.Абдурахмонов. – Мазкур тадбирлар доирасида филиалларимиз раҳбарлари жойларда сайёр қабуллар ташкил этиб, фуқароларнинг банк-молия хизматлари хусусида талаб ва истакларини ўрганмоқдалар.

Тадбирда иштирокчилар «Қишлоқ қурилиш банк» Бошқаруви раисининг виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатлар мазмунини, уларнинг қонун талаблари тартибига мувофиқ ўрганилаётгани, ечими таъминланаётгани билан таништирилди.

Анжуманда Марказий банк ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг амалий самаралари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Назира МАВЛОНОВА.

Кредит операцияларини бухгалтерия ҳисобида ва электрон ахборот тизимида тўғри акс эттиришнинг долзарб масалалари

Тижорат банкларида мижозлар ва қарздорлар тўғрисидаги маълумотлар «Банк депозиторлари миллий ахборот базаси»дан (БДМАБ), давлат органларининг электрон ахборот базаларидан, мижозлардан олинади ва банкдаги маълумотлар (шартномалар, ҳисоботлар, ёзишма) мижознинг электрон картасига киритилади. Бу маълумотларнинг катта қисмидан қарздорнинг электрон ссуда картасини шакллантиришда фойдаланилади.

Тижорат банклари ўзларининг электрон ахборот тизимида кредит ахборотини, кредит йиғмаларидаги, БДМАБ, давлатнинг бошқа электрон ахборот тизими, ва базаларидаги маълумотлар тўғри киритилиши шарт. Шунингдек, тижорат банкларининг Марказий банкка қозғода ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳисоботлари бир хил бўлиши лозим.

Тижорат банклари иш шароити ва тартибидан келиб чиқиб, кредит операциялари бўйича амалга ошириладиган бухгалтерия ўтказмалари учун масъул бўлинма ва/ёки шахсни ички меъёрий ҳужжатларида аниқ белгилашлари шарт. Бу эса банк ходимларининг масъулиятини оширади.

Кредит олган шахс (қарздор) тўғрисидаги тегишли маълумотлар, манбасидан қатъи назар, электрон ссуда картасига киритилади. У фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институти (КАМИ)га юбориш учун эмас, балки банкнинг электрон ахборот тизимини, шу жумладан, электрон кредит портфелини яратиш учун ҳам зарурдир. Бу эса, ўз навбатида, банк кенгаши ва бошқарувида банк бошқаруви бўлинмаларига ҳисобот тайёрлаш учун тайёр манба бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларидаги электрон ахборот тизими ҳозирги замон талабларига нисбатан анча орқада. Банклар учун дастур ишлаб берувчи фирмалари технологик ечимлари ҳам тижорат банкларининг талабига яраша бўлиши зарур.

Амалиётда баъзи банклар ўзларининг дастурларини дастур ишлаб берувчи фирмалар «қўлига топшириб» қўйиш ҳоллари учрайди, у назорат қилинмайди. Ҳолбуки, бош банк, банкнинг электрон ахборот тизимидан қайси маълумотни олишга қайси бўлинма ва/ёки қайси шахсга рухсат беришни уларнинг бажарилган вазифаларидан келиб чиқиб белгилаши лозим. Дастур ишловчи бош банкнинг талабини батафсил ўрганиб чиқиши, унда амалдаги қонунчиликка зид бўлган, Марказий банк белгиланган меъёрий талаблардан четта чиқишга, Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатишга, ўрнатилган электрон мантаний назоратни инкор этишга, уни айланб ўтишга олиб келадиган талабларни аниқлаши ва бажармаслиги лозим. Ўз навбатида, тижорат банклари ҳам бундай талабларни қўйишга ҳақли эмас ва қўймаслиги шарт.

Ҳозирги вақтда кредит ташкилотларининг фаолиятини электрон ахборот тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қарздорлар, кредит шартномалари, кредит портфели суммаси, кўп валютали кредитлаш сони ва ҳажмининг ошиши тижорат банкларидан электрон ахборот тизимини такомиллаштириш, улардан ахборот олишни осонлаштириш, электрон ахборот базаларини янги маълумотлар билан кенгайтириб боришни тақозо этмоқда.



Тижорат банкларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмаларининг маълумотларини ҳам банкнинг электрон ахборот тизимига киритиш мақсадга мувофиқ. Масалан, филиалга бошқарувчи тайинланганда электрон тизим унинг исми-шарифини «кредит берган раҳбар» устунига автоматик киритиши керак.

«Муддати ўтган кредит», «Шартлари қайта кўрилган кредит» ва «Суд муҳокамасидаги кредитлар» энг камида субстандарт актив сифатида таснифланиши ва унга мос равишда эҳтимолий йўқотиш захираси яратилиши лозим.

Банк электрон ахборот тизимида кредит «Муддатли кредитлар» ҳисоб рақамидан «Муддати ўтган кредит» ёки «Шартлари қайта кўрилган кредит» ёки «Суд муҳокамасидаги кредитлар» ҳисоб рақамларига ўтказилган заҳоти эҳтимолий йўқотиш захираси автоматик равишда тузилиши, мос равишда бу кредитлар тўлиқ ёпилганда эҳтимолий йўқотишлар захираси автоматик равишда ёпилиши шарт. Эҳтимолий йўқотишлар захираси учун бундай талаб қўйилиши келгусида тижорат банкларида кредитларнинг тўғри таснифланиши, уларга эҳтимолий йўқотишлар захирасининг тўлиқ яратилишига эришиш, амалда яратилган эҳтимолий йўқотишлар захираси суммасини Марказий банкка олиб қўйиш амалиётидан келгусида воз кечишга шароит яратади. Бу эса тижорат банклари (фойдасининг камайиши устига) кредитлаш имкони чекланишининг олдини олади.

Агар кредит муддатидан олдин тўлиқ ёпилаётган бўлса, аввал фоиз, сўнгра асосий қарз ёпилиши лозим. Муддати келиб тўлиқ ёпиладиган кредитларга ҳам талаб шундай.

Битта шартнома асосида берилган кредитнинг фақат бир қисми «Суд муҳокамасидаги кредитлар»

ҳисоб рақамига ўтказилишига ва/ёки балансдан чиқарилишига йўл қўйилмайди, яъни кредитнинг бир қисмини «Суд муҳокамасидаги кредитлар» ҳисоб рақамига ўтказиш, балансдан чиқариш мумкин эмас ва бу операция мазмунан маънога эга эмас.

Кредит ташкилотларининг муаммоли кредитларни Марказий банк «кўзидан яшириш»га ҳаракат қилиши бутун дунё амалиётида мавжуд. «Муддати ўтган кредит», «Шартлари қайта кўрилган кредит» ва «Суд муҳокамасидаги кредитлар» ҳисоб рақамидagi кредитларнинг «Муддатли кредитлар» ҳисоб рақамига қайтарилиши тақиқланади. Суд ва ҳукуматнинг бундай вазиятлар аниқ кўрсатилган қарори бундан мустасно. Амалиётда кредитнинг қайтариш муддатини у ёки бу сабабларга кўра, суд узайтириш ҳақида қарор қабул қилганда, кўпгина мутахассислар унинг муддатини узайтириб, «Муддатли кредитлар» ҳисоб рақамидан акс эттиришда давом этиш тўғри деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча, бу кредит янги муддат билан «Шартлари қайта кўрилган кредит» ҳисоб рақамидан акс эттирилиши лозим. Чунки у қайтарилишида муаммо пайдо бўлганлиги учун судга берилган ахир, бунинг устига энди уни стандарт кредит сифатида таснифлаб бўлмайди. Бунда кредит қайси ҳисоб рақам ва/ёки қайси ҳолатда (мақомда) эканлигининг («Муддати ўтган кредит», «Шартлари қайта кўрилган кредит», «Суд муҳокамасидаги кредитлар») ҳам аҳамияти бор. Шунингдек, хорижий амалиёт ва Базель кўмитаси талабларига кўра, қарздорга берилган ҳар қандай энгиллик ушбу активнинг юқори сифатли актив сифатида таснифланмайди. Бундай кредитлар энг камида субстандарт кредит деб таснифланиб, унга етарли эҳтимо-

лий йўқотиш захираси яратилади.

Ўзбекистон кредит тизимида кредитнинг мақсадлилиги тамойили амал қилишдан келиб чиқиб, кредит ва лизингнинг фоизини капитализация қилиш, яъни фоизни асосий қарзга қўйиш ўз-ўзидан ноўрин бўлиб чиқади. Чунки кредит капитализация қилиш учун эмас, аниқ бир мақсадга берилганлигини эътиборга олиш керак.

Кредитларнинг электрон ҳисоби ва мониторингини юритишни янада соддалаштириш ва такомиллаштириш мақсадида:

- бир мақсадга (лойиҳага) бир неча кредит шартномалари тузилиши мумкинлиги, битта кредит шартномаси бўйича битта ссуда ҳисоб рақами очилиши, фақат битта фоиз ҳисоб рақами очилиши;

- кредитларнинг муддатини узайтириш унинг охири муддати келмасдан аввал амалга оширилиши ҳақидаги талаб;

- битта кредит шартномаси бўйича фақат битта валютада кредит берилиши, ҳар бир шартномага фақат битта электрон ссуда картаси очилиши ҳақидаги қатъий талаб киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бунда бир неча кредит шартномасига битта гаров объекти ёки бошқа таъминот тури тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисидаги талабларни Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига киритиш лозим.

Тижорат банкларининг КАМИда ўзгартирилишига автоматик тақиқ қўйилган бирламчи маълумотлари ўзгартирилиши ва/ёки ўчирилиши тартибини янада такомиллаштириш, нотўғри маълумотлар юборилишининг олдини олиш, киритилган ўзгартиришларнинг асослилиги борасида тижорат банклари ва Марказий банк ҳудудий Бош бошқармаларининг масъулиятини ошириш лозим.

Шунинг учун Марказий банкнинг «Кредит ташкилотлари томонидан Кредит ахборотининг давлат рестрига ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рўйхати 2332, 2012 йил 2 март) мувофиқ, тижорат банки КАМИдаги маълумотларни ўзгартириш учун унга мурожаат қилиши ва унда:

- тегишли банк филиали (бўлими) ва Марказий банк ҳудудий Бош бошқармасининг банк назоратига мутасадди раҳбар ходимлари иштирокида расмийлаштирилган маълумотнома (ҳар иккала тараф раҳбарлари имзоси ва уни тасдиқловчи муҳри билан);

- маълумотларни ўзгартириш заруриятини асословчи ҳужжатлар илова қилинади.

КАМИ тижорат банкнинг маълумотни ўзгартириш учун юборган хатини кўриб чиқиб, унга асосан тегишли ўзгартиришлар киритади.

Нурали ХОЛМУРотов,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Кредит ахбороти миллий
институти директори.



«Агробанк» акциядорлик тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнина 2014 йил 29 августдаги 78-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100096, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

Фойда ва зарарлар тўғрисидаги йўлма ҳисобот,
2015-2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎЛМА ҲИСОБОТ,
2015-2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

	2016 йил 31 декабрь	2015 йил 31 декабрь
АКТИВЛАР		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	190 000 157	328 890 058
Бошқа банклардаги маблағлар	142 546 532	95 993 435
Мижозларга тақдим этилган ссудалар	3 061 741 259	2 239 971 615
Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активлар	18 205 865	21 817 727
Шўъба корхоналарга қилинган инвестициялар	63 268 295	37 677 166
Кечиктирилган солиқ активлари	13 771 205	11 098 954
Асосий воситалар ва номоддий активлар	102 518 713	85 536 785
Бошқа активлар	29 579 255	37 469 332
Собиқ ходимлардан олиниши керак бўлган ҳисобварақлар	260 683 131	261 797 913
Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар	985 627	8 016 479
ЖАМИ АКТИВЛАР	3 883 300 039	3 128 269 464
МАЖБУРИЯТЛАР		
Банклар депозитлари	731 128 978	543 190 482
Мижозлар депозитлари	2 033 525 925	1 699 744 274
Чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	144 263 906	134 130 213
Бошқа қарз маблағлари	484 551 882	321 337 259
Бошқа мажбуриятлар	24 515 377	19 111 174
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	3 417 986 068	2 717 513 402
КАПИТАЛ		
Акциядорлик капитали	392 695 931	342 695 930
Эмиссион даромад	1 412 124	1 412 124
Қайта сотиб олинган ўз акциялари	(115 000)	(115 000)
Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни қайта баҳолаш захираси	8 337 059	11 144 213
Тақсимланмаган фойда	62 236 684	54 909 267
Банк акциядорларига тегишли жами капитал	464 566 798	410 046 534
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	747 173	709 528
ЖАМИ АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИ	465 313 971	410 756 062
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	3 883 300 039	3 128 269 464

	2016 йил	2015 йил
Давом эттирилаётган фаолият		
Фоишли даромадлар	410 420 546	362 665 072
Фоишли харажатлар	(218 145 549)	(193 797 906)
Фоиз ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарга қадар олинган соф фоишли даромади	192 274 997	168 867 166
Фоиз ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарлар	(20 643 202)	(969 385)
Соф фоишли даромад	171 631 795	167 897 781
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромад	175 971 849	136 566 600
Воситачилик ва хизматлар учун тўловлар бўйича харажатлар	(56 201 292)	(50 414 442)
Хорижий валютада амалга оширилган операциялардан кўрилган соф фойда	6 414 875	6 843 654
Олинган дивидендлар	2 073 419	2 982 373
Бошқа даромадлар, соф қийматда	13 782 190	7 762 680
Бошқа операцияларнинг қадрсизланишидан кўрилган зарарнинг қопланиши	980 475	-
Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	(304 960 736)	(253 404 485)
Шўъба корхоналарнинг фойдадаги улуши	6 189 397	4 106 669
Соф фоишсиз даромадлар	(155 749 823)	(145 556 951)
Солиқ ундирулгунга қадар кўрилган фойда	15 881 972	22 340 830
Солиқ тўлови бўйича даромад (зарар)	(8 439 079)	(14 588 273)
Давом этаётган фаолият бўйича йиллик фойда	7 442 893	7 752 557
Тугатилган фаолият		
Тугатилган фаолиятдан кўрилган йиллик зарар	-	(1 881 548)
Йиллик соф фойда	7 442 893	5 871 009
Қуйдагиларга тегишли:		
Банк акциядорлари	7 327 417	5 820 248
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улуши	115 476	50 761
Йиллик фойда	7 442 893	5 871 009
ҲАР БИР АКЦИЯДАН КўРИЛГАН ДАРОМАД/(ЗАРАР)		
Давом этаётган фаолиятдан олинган		
- базавий ва кўрсатилмаган (ҳар бир акциядан, сўмда)	25	34
Тугатилган фаолиятдан олинган		
- базавий ва тақсимланган (ҳар бир акциядан, сўмда)	-	(9)

АКЦИЯДОРЛИК КАПИТАЛИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎЛМА ҲИСОБОТ, 2015-2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг сўмда)

	Банк акциядорларига тегишли						Назорат қилинмайдиган улуши	Жами капитал
	Акциядорлик капитали	Эмиссион даромад	Сотиб олинган ўз акциялари	Сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни қайта баҳолаш захираси	Тақсимланмаган фойда	Жами		
2015 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	288 580 203	1 412 124	(115 000)	6 366 322	53 204 746	349 448 395	750 782	350 199 177
Йиллик фойда/(зарар)	-	-	-	-	5 820 248	5 820 248	50 761	5 871 009
Бошқа умумий даромад	-	-	-	4 777 891	-	4 777 891	-	4 777 891
2015 йил учун бошқа умумий даромад	-	-	-	4 777 891	5 820 248	10 598 139	50 761	10 648 900
Эълон қилинган дивидендлар	-	-	-	-	-	-	(92 015)	(92 015)
Оддий акцияларнинг чиқарилиши	50 000 000	-	-	-	-	50 000 000	-	50 000 000
Номинал қийматли оддий акцияларнинг кўпайиши	4 115 727	-	-	-	(4 115 727)	-	-	-
2015 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	342 695 930	1 412 124	(115 000)	11 144 213	54 909 267	410 046 534	709 528	410 756 062
Йиллик фойда	-	-	-	-	7 327 417	7 327 417	115 476	7 442 893
Бошқа умумий даромад	-	-	-	(2 807 154)	-	(2 807 154)	-	(2 807 154)
2016 йил учун бошқа умумий даромад	-	-	-	(2 807 154)	7 327 417	4 520 263	115 476	4 635 739
Эълон қилинган дивидендлар	-	-	-	-	-	-	(77 831)	(77 831)
Оддий акцияларнинг чиқарилиши	50 000 001	-	-	-	-	50 000 001	-	50 000 001
Оддий акцияларнинг номинал қиймати кўпайиши	-	-	-	-	-	-	-	-
2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	392 695 931	1 412 124	(115 000)	8 337 059	62 236 684	464 566 798	747 173	465 313 971

китоб операцияларини бир тарафлама тўхтатиб туриши мумкин ва бу ҳақда Процессинг марказини хабардор қилади.

64. Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банкнинг мажбуриятлари:

Процессинг марказидан олинган тизимдаги ўзаро ҳисоб-китоблар, амалга оширилган транзакциялар ва тўловлар тўғрисидаги ахборотни узатиш, норматив ахборот маълумотномасини ўз вақтида янгилаш ва алмашишини таъминлаш;

банклар томонидан банклараро транзакциялар бўйича ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилиши учун банкнинг вақиллик ҳисобоварағида ётарли маблағлар мавжудлигини мониторинг қилиш; банклар томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Процессинг марказига мазкур банкларнинг БПК орқали амалга ошириладиган барча операцияларни тўхтатиш ҳақида хабарномани ўз вақтида тақдим этиш.

65. «GlobUz» тўлов тизимининг аъзоси Ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк билан тузилган вақиллик ҳисобоварағи тўғрисидаги шартнома асосида БПК орқали бажарилган банклараро операциялар бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади.

66. БПК орқали амалга оширилган банклараро операциялар бўйича ҳисоб-китоблар ҳар бир банк иш кунида Ҳисоб-китобни амалга оширувчи банк томонидан амалга оширилади. Ҳар бир банк учун соф ҳисоб-китоб позициясини ҳисоблаб чиқаришни Процессинг маркази кўп томонлама ҳисоб-китоблар асосида амалга оширади.

Минус: эҳтимолий зарарлар бўйича захиралар	(12 154)	(26 197)
Мижозларга соф кредитлар ва бўнақлар	404 176	530 598
Тобе ҳўжалик юритувчи жамиятларга инвестициялар	40 000	40 000
Асосий воситалар (соф баланс қиймати бўйича)	461 857	551 340
Номоддий активлар (соф баланс қиймати бўйича)	29 088	19 646
Солиқ талаблари	97 918	64 120
Бошқа активлар	12 221	5 012
ЖАМИ АКТИВЛАР	116 672 525	104 633 708
МАЖБУРИЯТЛАР		
Мижозлар маблағлари	9 555 804	8 756 773
Бошқа банклар маблағлари	3 609 934	6 643 960
Солиқ мажбуриятлари	19 084	39 370
Бошқа мажбуриятлар	21 545	19 143
Жами мажбуриятлар	13 206 367	15 459 246
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
Устав капитали	47 995 757	47 995 757
Захира капитали ва жамғармалар	51 324 937	38 070 097
Тақсимланмаган фойда	4 145 464	3 108 608
Жами хусусий капитал	103 466 158	89 174 462
Жами мажбуриятлар ва хусусий капитал	116 672 525	104 633 708

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ЙИГМА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

Моддалар	Устав капитали	Девальвация учун захира	Захира капитали ва жамғар- малар	Тақсим- ланмаган фойда	Жами капиталдаги ўзгаришлар
2015 йил 1 январь ҳолатига кўра қолдиқ	36 621 647	25 149 553	1 403 118	1 560 926	64 735 244
Акциялар эмиссияси	11 374 110	-	-	-	11 374 110
Туланган дивидендлар	-	-	-	-	-
Захира капиталига тушумлар	-	-	363 336	(363 336)	-
Имтйёзли кредитлар фондидини шакллантириш	-	-	-	-	-
Девальвация учун захира	-	11 154 090	-	-	11 154 090
2014 йил якунига кўра ходимларни рағбатлантириш	-	-	-	(86 888)	(86 888)
Ҳисобот йилидаги умумий йиллик даромад	-	-	-	1 997 906	1 997 906
2015 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	47 995 757	36 303 643	1 766 454	3 108 608	89 174 462
Акциялар эмиссияси	-	-	-	-	-
Туланган дивидендлар	-	-	-	-	-
Захира капиталига тушумлар	-	-	595 840	(595 840)	-
Имтйёзли кредитлар фондидини шакллантириш	-	-	14 000	(14 000)	-
Девальвация учун захира	-	12 645 000	-	-	12 645 000
2015 йил якунига кўра ходимларни рағбатлантириш	-	-	-	(144 224)	(144 224)
Ҳисобот йилидаги умумий йиллик даромад	-	-	-	1 799 882	1 799 882
Бошқа тузатишлар	-	-	-	(8 962)	(8 962)
2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	47 995 757	48 948 643	2 376 294	4 145 464	103 466 158

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «PKF MAK ALYANS» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 30 январдаги АФ 00531-серияли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида мавжуд.

Хизматлар лицензияланган.

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

Моддалар	2016 йил	2015 йил
Фоишли даромадлар	3 509 765	3 052 471
Фоишли харажатлар	(23 190)	(18 876)
Соф фоишли даромадлар	3 486 575	3 033 595
Кредитлар қадрсизланиши бўйича захира	-	(18 576)
Кредитлар қадрсизланиши бўйича захира шакллантирилганидан кейинги соф фоишли даромад	3 486 575	3 015 025
Воситачиликдан олинган даромадлар	145 464	156 094
Воситачилик харажатлари	(261 370)	(36 076)
Валюта операцияларидан олинган соф фойда(зарар)	799 102	530 651
Бошқа фоиhsиз даромадлар	65 320	481 327
Бошқа фоиhsиз харажатлар	(1)	-
Операцион харажатларга қадар соф даромад	4 235 090	4 147 021
Операцион харажатлар	(1 980 172)	(1 574 451)
Солиқ тўлангунга қадар фойда	2 254 918	2 572 570
Эҳтимолий зарарлар захирасини баҳолаш	-	-
Фойда солигидан олдинги соф даромад	2 254 918	2 572 570
Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар	(455 036)	(574 664)
Йиллик соф фойда	1 799 882	1 997 906
Бошқа умумий йиллик даромад	-	-
Жами умумий йиллик даромад	1 799 882	1 997 906

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИГМА ҲИСОБОТ

(минг сўмда)

Моддалар	2016 йил	2015 йил
Операция фаолиятдан келган пул оқимлари		
Олинган фоиhsлар	3 305 774	3 488 596
Тўланган фоиhsлар	(23 190)	(18 876)
Воситачилик ҳақи учун тўловлар шаклида олинган пул маблағлари	145 202	156 132
Воситачилик ҳақи учун тўловлар шаклида тўланган пул маблағлари	(261 370)	(36 077)
Олинган дивидендлар	12 416	1 188
Ҳисобдан чиқарилган кредитларни қоплаш	38 143	-
Соф фоиhsиз даромадлар	14 760	480 139
Ходимлар таъминоти учун тўланган харажатлар	(1 128 083)	(846 017)
Тўланган бошқа операцион харажатлар	(714 999)	(728 436)
Даромад (фойда)га тўланган солиқ	(551 171)	(590 895)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга бўлган операция фаолиятдан келган пул маблағлари ҳаракати	837 482	1 905 754
Операцион активлардаги ўзгаришлар (кўпайиши)/камайиши		
Бошқа банкларга маблағлар	(1 836 407)	(12 133 710)
Мижозларга кредитлар ва бўнақлар	140 465	224 495
Бошқа активлар	(222 689)	(58 971)
Операцион мажбуриятлардаги ўзгаришлар (кўпайиши)/камайиши	108 951	433 517
Мижозлар маблағлари	108 951	433 517
Бошқа банклар маблағлари	(3 034 026)	(6 761 527)
Бошқа мажбуриятлар	(56 968)	(28 899)
Операцион фаолиятдан тушган соф пул маблағларининг ҳаракати	(4 063 192)	(16 419 341)
Инвестицион фаолиятдаги пул оқимлари		
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш	(77 628)	(73 309)
Асосий воситалар ва номоддий активлар реализацияси натижасида келиб тушган тушум	-	461 173
Инвестицион фаолиятдаги соф пул маблағларининг ҳаракати	(77 628)	387 864
Молиявий фаолиятдан тушган пул маблағлари ҳаракати		
Муомалага чиқарилган акциялардан тушган тушум	-	11 374 110
Тўланган дивидендлар	-	-
Молиявий фаолиятдан тушган пул маблағлари соф ҳаракати	-	11 374 110
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига валюта курсидаги ўзгаришларнинг таъсири	2 625 031	10 853 032
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг кўпайиши (камайиши)	(1 515 789)	6 195 665
Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	21 660 828	15 465 163
Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	20 145 039	21 660 828

Солиқ билимлари – болаларга

Солиқларни мунтазам равишда тўлаб бориш Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳар бир инсоннинг конституцион бурчи. Айниқса, ёш ўғил-қизларимизга солиқ ва унинг нималарга сарф бўлиши ҳақида уқитириш катта аҳамиятга эга.

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Солиқ билимлари – болаларга» мавзусидаги ўқувчиларнинг ижодий ишлари кўрик-танловини ўтказишдан мақсад ҳам ёш авлодда солиқ маданиятини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари нималардан иборат эканлигини англашти ва уларнинг ижодий маҳоратларини янада оширишга қаратилган.

Тошкент вилояти касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўртасида бўлиб ўтган кўрик-танловда ўқувчилар ўзаро беллашдилар.

1-4-синф ўқувчилари танловнинг «Солиқ мавзусининг суратлардаги тасвири» номинациясида болаларнинг солиқ ҳақидаги тасавурларини расмларда жонлантирди. 5-9-синф ўқувчилари ҳикояларида солиқ мав-

зусини акс эттиришга ҳаракат қилди. «Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати» мавзуси академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ёзган иншонинг бош мавзуси бўлди. Бундан ташқари, улар «Солиқлар нималарга тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусида компьютер тақдироти тайёрлаб, танловда иштирок этишди.

Солиқ мавзуси акс этган энг чиройли сурати учун Бўстонлик туманидаги 3-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Достонбек Тўраев, ажойиб ҳикоя муаллифи Чирчиқ шаҳридаги

21-мактабининг 9-синф ўқувчиси Дурдона Тўрамурадова, саводхонлик билан иншо ёзган Ўртачирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи 2-босқич ўқувчиси Малика Абдураҳмонова, шу коллежнинг компьютер тақдироти намуна-ли топширган ўқувчиси Жавоҳир Тошпўлатов 1-ўринни эгаллаб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олдилар.

Лобар АЗАМАТОВА,
Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси.

АУДИТ НАТИЖАЛАРИ

9



Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки

Рўхсатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2015 йил 25 июлдаги 25-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 100000, Тошкент ш., Амир Темурашхон кўчаси, 3-уй.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

	2016 йил 31 декабрь	2015 йил 31 декабрь
Активлар		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	242 195 938	279 613 798
Кредит муассасаларидаги маблағлар	1 330 865 698	1 028 350 734
Мижозларга кредитлар	2 361 910 897	1 868 557 010
Инвестициялар, сотиш учун мўлжалланган мавжудлари	107 838 459	104 894 821
Ассосий воситалар ва номоддий активлар	177 850 427	139 960 379
Кечиктирилган солиқ активи	9 816 869	14 960 865
Бошқа активлар	28 090 059	72 549 973
Жами активлар	4 258 568 347	3 508 887 580
Мажбуриятлар		
Кредит муассасаларининг маблағлари	8 692 498	42 294 580
Мижозлар маблағлари	3 681 294 957	3 005 283 677
Муомалага чиқарилган қарз қимматли қоғозлар	76 307 499	63 592 619
Қарз қимматли қоғозлар	54 636 252	36 896 365
Бошқа мажбуриятлар	75 357 769	66 132 257
Жами мажбуриятлар	3 896 288 975	3 214 199 498
Капитал		
Устав капитали	302 522 010	244 768 386
Тақсимланмаган фойда	59 757 362	27 999 467
Жами капитал, банк акциядорларига тегишли	362 279 372	272 767 853
Назорат қилинмайдиган улуш	-	21 920 229
Жами капитал	362 279 372	294 688 082
Жами мажбуриятлар ва капитал	4 258 568 347	3 508 887 580

ФОЙДА, ЗАРАР ЁКИ УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

	31 декабрда яқунланган 2016 йил учун	31 декабрда яқунланган 2015 йил учун
Фоишли даромадлар	400 625 992	329 234 476
Фоишли харажатлар	(180 820 005)	(158 772 232)
Соф фоишли даромадлар	219 805 987	170 462 244
Фоиз ҳисобланадиган активлар қадрсизланиши бўйича захирани шакллантириш	(30 491 118)	(31 970 581)
Фоиз ҳисобланадиган активлар қадрсизланиши бўйича захира шаклланишидан кейинги соф фоишли даромад	189 314 869	138 491 663
Воситачилик даромадлари	291 888 753	269 033 570
Воситачилик харажатлари	(145 579 941)	(129 129 829)
Валюта операцияларидан тушган соф фойда	6 366 874	5 583 789
Дивидендлар бўйича даромад	644 662	1 269 645
Бошқа активлар қадрсизланиши бўйича захира	(2 756 514)	(1 341 365)
Бошқа даромадлар	22 513 884	11 478 094
Бошқа харажатлар	(10 599 682)	-
Фоизсиз даромадлар	162 478 036	156 893 904
Операцион харажатлар	(326 179 033)	(285 396 367)
Солиқ ундирилгунга қадар фойда	25 613 872	9 989 200
Фойда солиғи харажати	(13 767 273)	(143 983)
Ҳисобот давридаги соф фойда	11 846 599	9 845 217
Сотиш учун мавжуд инвестицион қимматли қоғозлардан олинган даромадлар	1 526 772	-
Умумий даромад таркибига кирувчи даромад солиғи	(332 836)	-
Ҳисобот давридаги бошқа ялли даромад, солиқ чегириб ташлангандан сўнг	1 193 936	-
Ҳисобот давридаги жами умумий даромад	13 040 535	9 845 217
<i>Жами умумий даромад, қуйидагиларга тегишли:</i>		
- банк акциядорлари	13 040 535	6 890 769
- назорат қилинмайдиган эгалик улуши	-	2 954 448
Ҳисобот давридаги жами умумий даромад	13 040 535	9 845 217

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «GRANT THORNTON» МЧЖ аудиторилик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ 00064-сонли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ таъйинланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2016 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторилик хулосасида бор.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

	31 декабрда яқунланган 2016 йил учун	31 декабрда яқунланган 2015 йил учун
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати		
Олинган фойзалар	395 401 802	318 001 828
Туланган фойзалар	(181 988 182)	(159 912 278)
Олинган воситачилик ҳақлари	291 754 125	259 993 818
Туланган воситачилик ҳақлари	(145 579 496)	(129 129 800)
Соф фоишсиз даромадлар	22 513 884	11 478 094
Ходимлар таъминоти учун сарфланган харажатлар	(146 676 855)	(133 649 182)
Операцион харажатлар	(125 816 752)	(113 346 698)
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати, операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдин	109 608 526	53 435 782
Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши		
Кредит муассасаларидаги маблағлар	(302 514 964)	(180 012 085)
Мижозларга кредитлар	(564 469 287)	(270 528 008)
Бошқа активлар	41 703 400	29 756 326
Операцион мажбуриятларнинг соф ўсиши/камайиши		
Кредит муассасаларининг маблағлари	(33 602 082)	(80 076 985)
Мижозларнинг маблағлари	676 011 280	603 495 014
Бошқа мажбуриятлар	9 225 512	13 736 593
Даромад солиғи тулангунга қадар операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағларининг ҳаракати	(64 037 615)	169 806 637
Туланган фойда солиғи	-	-
Операцион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати	(64 037 615)	169 806 637
Инвестицион фаолиятдан келган пул оқимлари		
Сотиш учун мўлжалланган инвестицион қимматли қоғозлар сотуви (харидидан келиб тушган тушум)	(1 509 602)	(2 164 914)
Ассосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш	(67 404 559)	(89 328 594)
Ассосий воситалар сотувидан тушган тушум	3 516 858	48 037 174
Олинган дивидендлар	644 662	1 269 645
Инвестицион фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати	(64 752 641)	(42 186 689)
Молиявий фаолиятдаги пул оқимлари		
Устав капитали ортишидан тушган тушум	54 550 755	39 000 000
Қарз қимматли қоғозлар чиқарилишидан (сўндирилиши) тушган кирим	12 714 880	(47 156 183)
Бошқа қарз воситаларининг олиниши/сўндирилиши	17 739 887	(10 842 694)
Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати	85 005 522	(18 998 877)
Пул маблағлари ва улар эквивалентларига айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг таъсири	6 366 874	5 583 789
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари соф ўзгариши	(37 417 860)	114 204 860
Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	279 613 798	165 408 938
Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	242 195 938	279 613 798

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ, 2016 йил 31 декабрь ҳолатига кўра (минг сўмда)

	Устав капитали	Тақсимлан- маган фойда	Банк акция- дорларига тегишли жами капи- тал	Эгаликнинг назорат қилин- майдиган улуши	Жами капитал
2015 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	205 768 386	21 108 698	226 877 084	18 965 781	245 842 865
Устав капиталининг ортиши	39 000 000	-	39 000 000	-	39 000 000
Ҳисобот давридаги умумий даромад	-	6 890 769	6 890 769	2 954 448	9 845 217
2015 йилнинг 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	244 768 386	27 999 467	272 767 853	21 920 229	294 688 082
Устав капиталининг ортиши	57 753 624	-	57 753 624	-	57 753 624
Туланган дивидендлар	-	(3 202 869)	(3 202 869)	-	(3 202 869)
Эгаликнинг назорат қилинмайдиган улушини сотиб олиш	-	21 920 229	21 920 229	(21 920 229)	-
Ҳисобот давридаги умумий даромад	-	13 040 535	13 040 535	-	13 040 535
2016 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	302 522 010	59 757 362	362 279 372	-	362 279 372

Нефть-газ ва энергетика саноатчилари учрашуви

«ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси томонидан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги «Ўзсувэнерго» махсус бирлашмаси, Савдо-саноат палатаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда 200 дан зиёд компаниялар вакиллари қатнашди.

Нефть-газ миллий иқтисодиёти-миздаги энг муҳим саноат тармоқларидан ҳисобланади. Шунинг учун мамлакатимизда ушбу соҳани модернизациялаш, янги объектларни барпо этиш, маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва кооперация алоқаларини ривожлантириш учун қулай шароит ва имкониятлар яратилиб, ҳар йили йирик миқдорда сармоялар жалб қилинмоқда. Хусусан, «Ўзбекнефтгаз» МХК томонидан яқин истиқболда 80 га яқин лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Жорий йилда Инвестиция дастури доирасида хорижий инвесторлар иштирокида умумий қиймати 16 млрд. АҚШ долларидан зиёд 20 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.

Кўргазмада АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой, Австрия, Дания, Италия, Индонезия, Жанубий Корея, Нидерландия, Норвегия, Озарбайжон, Россия, Сингапур, Туркия, Украина, Франция, Чехия, Швейцария каби мамлакатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирок этди.

– Ўзбекистон нефть ва газ соҳасини ривожлантиришда етакчилик қилмоқда, – дейди **Озарбайжондаги «Socag» давлат нефть компанияси президенти Ровнаг Абдуллаев.** – Сўнгги йилларда бу ерда геологик қидирув, углеводород хомашёсини қазийш ва қайта ишлашга ихтисослашган кўплаб корхоналар ташкил этилди. «Ўзбекнефтгаз» улар орасида энг

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуида «Ўзбекистон нефть ва газ – OGU-2017» ҳамда «Энергетика, энергия тежамкорлиги, энергиянинг муқобил манбалари – Power Uzbekistan-2017» халқаро кўргазмалари бўлиб ўтди.



илгор компаниядир. У мамлакатингиз иқтисодиётида ёқилғи-энергетика секторини ривожлантиришда катта роль ўйнамоқда. Мана шундай улкан салоҳиятга эга компания билан ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз. Кўргазма доирасидаги ташрифимиз асосида ҳамкорликда лойиҳаларни янада кенгайтиришни мақсад қилдик.

Кўргазма павильонларидан нефть ва газ қазиб олиш, қайта ишлашни жалдлаштириш имконини берадиган замонавий технологиялар жой олди. Етакчи нефть-газ компаниялари томонидан соҳадаги энг сўнгги ютуқлар намойиш этилди.

Унда маҳаллий корхоналар ҳам фаол иштирок этиб, кўплаб мамлакатларнинг ёқилғи-энергетика мажмуи раҳбарлари, олим ва мутахассислар, ишбилармон доиралар вакиллари билан нефть-газ соҳасида тажриба алмашиш, манфаатли бизнес алоқаларини ўрнатиш ва мавжуд

ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ҳамда шартномалар имзолаш имконига эга бўлди.

– Мамлакатимизда нефть қайта ишлаш, автобензин, дизель ёқилғиси, мазут, нефть мойлари, битум, авиакеросин ишлаб чиқариш белгиланган стандарт ва режалар асосида олиб борилмоқда, – дейди **«Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси бўлим бошлиғи Акмал Маткаримов.** – Газни қайта ишловчи заводларда суюлтирилган газ ва полиэтилен ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш режалаштирилган. Эътиборлиси, бугунги кунга келиб мамлакатимиз газ, полиэтилен ва қайта ишланган нефть маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланди. Кўргазма бу борада ҳамкорлик географиясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, энергетика саноати ҳам барча давлатлар қатори республикаимиз ижтимоий-иқтисодий

ҳаётида муҳим ўрин тутди. Айна пайтда ушбу тизим мажмуасини ривожлантириш ва модернизациялаш ишлари ҳар қачонгидан ҳам кучайтирилган. Юртимиздаги мўътадил ишбилармонлик ва инвестиция муҳити тармоққа хорижий сармодорларни кўпроқ жалб қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, бу борада «Энергетика, энергия тежамкорлиги, энергиянинг муқобил манбалари – Power Uzbekistan» халқаро кўргазмаси ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Бу йил тадбир қамрови ва иштирокчилари сафи янада кенгайган. Кўргазма стендларида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш, иссиқлик билан таъминлаш соҳасидаги ишланмалар, энергияни ўзгартириш, узатиш ва тақсимлаш ускуналари, муқобил энергия манбалари, энергияни тежаш соҳасидаги энг янги ютуқлар, маиший мақсадларда қўлланиладиган иссиқлик, энергия, газ, сув ҳисобини юритиш ва назорат қилиш асбоблари каби маҳсулотлар мажмуавий тарзда намойиш қилинди. Жумладан, Хитой, Германия, Италия, Латвия, Польша, Россия, АҚШ, Украина каби мамлакатлар компанияларининг маҳсулот ва хизматлари орасида аъъанавийларидан ташқари, албатта, инновацион ечимдаги янги техника ва ускуналар ўрин эгаллади. Электр энергетикаси, электртехника, кўмир саноати, қурилиш, энергия объектларини ҳимоялаш, автоматлаштириш, назорат қилиш ва бошқариш каби ишланмалар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу кўргазмалар соҳа вакиллари учун нефть-газ ҳамда энергетика саноатида миллий ва хорижий компаниялар эришган энг сўнгги ютуқларни яқиндан таништириш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш модернизацияланмоқда

Жорий йилда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан қиймати 23,26 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 10 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда ахборот берилди.

– Ушбу инвестиция лойиҳаларини замонавий илгор технологиялар асосида амалга ошириш мақсадида Россия, Украина, Туркия ва Тайван давлатлари компаниялари билан музокаралар олиб борилиб, жами 14,4 млн. долларлик шартномалар имзоланди, – дейди **«Ўздонмаҳсулот» АЖ раиси ўринбосари Эркин Алимов.** – Мазкур сармоялар ун ишлаб чиқарувчи тегирмон, бугдой ёрмаси, омухта-ем ҳамда полипропилен қоп етказиб берувчи янги цехларни барпо этиш, мавжудларини модернизация қилишга жалб қилинади.

Бугунги кунда «Ўздонмаҳсулот» компанияси тизимидаги корхоналарда 58 та ун ишлаб чиқарувчи тегирмон, 114 та нон, 46 та макарон, 45 та омухта-ем, 2 та ёрма

цеҳи фаолият кўрсатмоқда. Улар фаолиятини янада кучайтириш, хусусан, республикамиз ички истеъмол бозорини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, маҳсулот турларини кенгайтириш, аҳолини сифатли нон ва нон маҳсулотлари, макарон ва ёрма маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган дастурга мувофиқ, тизимдаги корхоналар томонидан қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, Германиянинг «Wachtel», Россиянинг «Vnicks» компанияларига тегишли дастгоҳлар мазкур тизим корхоналарида ўрнатилиши натижасида нон маҳсулотлари сифати яхшиланди, ишлаб чиқариш ҳажми ошди, энг муҳими, олис қишлоқ ҳудудларидаги аҳолига ис-

сиқ нон маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бериш шароитлари яратилди.

Сўнгги 7 йилда ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янгиликларни қуриб ишга тушириш бўйича «Ўздонмаҳсулот» АК томонидан 301 млрд. сўмдан зиёд маблағлар йўналтирилиб, 171 та янги қувватлар ишга туширилди, 62 та корхона Россия, Украина, Германия, Швейцария, Туркия ва Италия давлатларининг замонавий илгор технологик ускуналари асосида модернизация қилиниб, техник қайта жиҳозланди. Пировардида, 1768 та янги иш ўрни яратилди, электр энергия сарфи 15-20 фоизгача камайдди, ишлаб чиқариш ҳажми ва турлари 10-15 мартага кўлайди. Мазкур замонавий технология-



лар асосида нон пишириш жараёни жаҳон стандартларига монанд автоматик равишда паст босимли газ ёқилғиси ҳамда зангламайдиған материалдан махсус ишланган нон қолипларида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Анжуманда аҳоли саломатлигини янада яхшилаш мақсадида «Унни бойитиш миллий дастурига» мувофиқ, корхоналарда унни бойитиш тизими бўйича олиб борил-

ётган чора-тадбирлар хусусида ҳам сўз юритилди.

Дастурни ишлаб чиқшидан кўзланган асосий мақсад аёллар ва болаларда темир моддаси танқислиги ҳамда анемиянинг олдини олишдан иборат бўлиб, бугунги кунда тизим корхоналарида ишлаб чиқарилаётган биринчи навли ун тўлиқ ҳажмда минерал-витамин аралашмалари билан бойитилмоқда.

Наргиз АҲМЕДОВА.

«Тошкент» РФБ биржа савдолари шарҳи 2017 йил апрель ойида

2017 йил апрелда «Тошкент» республика фонд биржасида 20 та савдо сессияси ўтказилди.

Ўтган ойда жами 26 нафар эмитентнинг 10,8 млн. дона қимматли қоғозлари юзасидан 242 та олди-сотди битими тузилди.

Жорий йил апрелида қимматли қоғозлар билан биржа битимлари ҳажми 2,2 млрд. сўмни ташкил этди.

Ҳисобот даврида қимматли қоғозлар билан куйидаги битимлар тузилди:

Ягона дастурий-техник мажмуа (ЯДТМ) акциялар бозоридаги секцияларда:

асосий («MainBoard») – 2,22 млрд. сўм миқдоридидаги 228 та битим;

жисмоний шахслар учун клирингсиз битимлар бўйича («NC Board») – 0,007 млрд. сўм миқдоридидаги 14 та битим.

Ҳажмига кўра энг йирик битим 12 апрелда асосий секцияда («MainBoard») тузилди, унинг натижасида «Turkiston» АТБнинг 0,9 млрд. сўм миқдоридидаги 888,9 минг дона акцияси реализация қилинди.

Апрел ойида биржа битимлари ҳажмининг ўртача миқдори 9,2 млн. сўмни ташкил этди.

Битимларнинг ўртача кунлик ҳажми миқдори 111,2 млн. сўмни ташкил этди.

Реализация қилинган битта қимматли

ли қоғознинг ўртача нархи 206,0 сўмни ташкил этди.


Қимматли қоғозларга талаб шаклланишини тавсифловчи кўрсаткичлардан бири қимматли қоғозларни сотиш нархининг улар номинал қийматига нисбати коэффициентини, яъни ликвидлилик кўрсаткичи ҳисобланади.

Ҳисобот ойда қимматли қоғозлар билан битимлар умумий миқдорининг учдан бир қисмидан ортиги уларнинг номинал қийматидан ошадиган нархларда тузилган. Бунда энг катта ликвидлилик кўрсаткичи транспорт соҳасида – 4,59.

Умуман олганда, қимматли қоғозларни сотиш нархининг улар номинал қийматига соҳадаги ўртача нисбати коэффициентини апрелда 1,03 ни ташкил этди.

1-диаграмма.

Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2017 йил апрель ойида



- Банклар 78,6 фоиз
- Саноат 1,4 фоиз
- Бошқалар 5,2 фоиз
- Сугурта 0,1 фоиз
- Курилиш 14,0 фоиз
- Транспорт, 0,6 фоиз
- Агросоаноат мажмуаси 0,1 фоиз

Алоҳида тармоқлар кесимида қимматли қоғозлар нархининг улар номиналига нисбати, 2017 йил апрель

Агросоаноат мажмуаси	1,01
Банк соҳаси	1,00
Саноат	1,68
Сугурта	1,23
Курилиш	0,99
Транспорт	4,59
Бошқалар	1,53

Биржа савдоларида қатнашган брокерлик идоралари рейтингини, 2017 йил апрель ойида

Брокерлик идоралари	Битимлар сони, донада	Битимлар умумий суммаси, млн. сўмда	Солиштирма нисбати, фоизда
«Kapital-Depozit» МЧЖ (БИ №443)	18	3 212,0	72,2%
«Alp omad invest» МЧЖ (БИ №416)	18	699,1	15,7%
«HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ (БИ №442)	212	211,9	4,8%
«Ishonch LTD» МЧЖ (БИ №444)	68	154,1	3,5%
«Portfolio Investments» МЧЖ (БИ №454)	78	68,4	1,5%
«Dalal Standard» МЧЖ (БИ №382)	28	45,2	1,0%
«Birinchii Banklararo Depozitariy» МЧЖ (БИ №450)	8	26,0	0,6%
ЧЭКИ «Ҳамкорбанк» АТБ (БИ №434)	18	13,4	0,3%
«Mulk-Sarmoya Brokerlik UYI» АЖ (БИ №447)	4	6,4	0,1%
«DEPO-INVEST-TRAST» МЧЖ (БИ №459)	6	3,6	0,1%

Энг йирик савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги, 2017 йил апрелда

Эмитент номи	Тармоқ	Ҳажми, млрд. сўмда
«Turkiston» ХАТБ	Банк	1,6
«Qizilqumsement»	Ўзқурилишматериаллари	0,3
ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ	Банк	0,1
«Marg'ilon Fayz savdo kompleksi»	Органлар таъсис этган юридик шахслар	0,07
Toshkent univermagi	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	0,02
«Aloqabank» АТБ	Банк	0,02
SHIFOBAXSH BULOQ	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	0,02
«O'zsanoatqurilishbank» АТБ	Банк	0,02
O'ZBEKGEOFIZIKA	Ўзгеобурғунфтгаз	0,01
Granit	Ўзбекистон темир йўллари	0,01

Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) материаллари асосида тайёрланди.

Истиқболли лойиҳалар

Мамлакатимизнинг барча саноат тармоқларида бўлгани каби Навоий кон-металлургия комбинатида ҳам модернизация ишлари олиб борилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан 2017-2026 йилларда комбинатда 27 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

«Навоий кон-металлургия комбинати: янгиланиш ва тараққиёт сари» мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида бу борада сўз юритилди.

– Ҳозирда лойиҳаларнинг муддатларини жадаллаштириш билан бирга уларнинг самарали амалга оширилиши учун бир қанча йирик чет эл компаниялари ва соҳада етакчи институтлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда, – дейди Навоий кон-металлургия комбинати бош директорининг иқтисод бўйича ўринбосари Нурмат Жўлибеков. – Хусусан, «Ауминзо – Амантой» конларини ўзлаштиришда ва 5-гидрометаллургия заводини қуришда энергия самардорлиги юқори бўлган мақбул технологияларни танлаш учун Россиянинг «ИВС компанияси» ёпиқ акциядорлик жамиятини жалб этган ҳолда ҳамкорликда тажриба-синов ишлари тугалланиб, технотология регламент ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Россиянинг «Иргиредмет» институти билан биргаликда Марказий кон бошқармасининг «Оптинни уюмда ишқорлаш» цехида ҳосил бўлган техноген чиқиндиларини қайта ишлаш мажмуасини қуриш лойиҳаси бўйича оптимал технологияни танлаш учун тажриба-синов ишлари ва технотология регламенти ниҳоясига етказилди. Ҳозирда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда. Лойиҳа якунида йилига 15 млн. тонна техноген чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга бўлган улкан саноат мажмуаси яратилади.

Комбинат томонидан амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа республика миқёсидаги саноати, иқтисодийети, ижтимоий ҳаётида сезиларли аҳамиятга эга. Ҳозиргача комбинат таркибида 4 та гидрометаллургия заводи мавжуд бўлган бўлса, қўшимча 5 ва 6-гидрометаллургия заводлари барпо этилади. Жумладан, 5-гидрометаллургия заводининг ишга туширилиши натижасида йилига 5 млн. тонна, Нурота туманидаги «Пистали» конининг ўзлаштирилиши ва унинг негизиде 6-гидрометаллургия заводининг қурилиши натижасида эса, 3 млн. тонна руда қайта ишланади.

Қайд этиш жоиз, Навоий кон-металлургия комбинати томонидан 2017-2026 йилларга мўлжалланган 27 та лойиҳанинг умумий ҳажми 63 млрд. 63 млн. АҚШ доллари бўлиб, унинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 30 фоизга ошади, 30 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Инвестиция жозибадорлигига кўра, биржа соҳа кўрсаткичлари таҳлилининг кўрсатишича, ўтган ойда тижорат банклари – 78,6 фоиз ва курилиш компаниялари – 14,0 фоиз қимматли қоғозлари энг талабгир бўлган.

Инвесторлар тоифаларига кўра, жисмоний шахсларда энг кўп фаоллик кузатилди:


тузилган битимлар суммасига кўра – тузилган битимлар умумий ҳажмининг 84,1 фоизи;

тузилган битимлар сонига кўра – биржа битимлари умумий сонининг 94,6 фоизи.

Апрелда битим ўртача ҳажми кўрсаткичи (битимлар суммаси/битимлар сони) куйидагини ташкил этди:

2-диаграмма.

Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби, 2017 йил апрель ойида



- Сугурта компаниялари 14,05 фоиз
- Жисмоний шахслар 84,1 фоиз
- Бошқа юридик шахслар 1,9 фоиз

юридик шахслар билан – 27,1 млн. сўм; жисмоний шахслар билан – 8,2 млн. сўм.

Умуман олганда, апрелда қимматли қоғозлар билан савдоларда қатнашган инвесторлар турларига кўра биржа бозори тузилмаси куйидаги кўринишга эга:

Ўтган ойда фонд биржасида битимлар тузишда брокерлик идоралари фаоллиги куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Биржа савдоларида жами 15 та брокерлик идораси қатнашди.

Биржада тузилган битимлар ҳажми бўйича улар орасида энг фаол ўнтасининг кўрсаткичлари куйидаги жадвалда кўрсатилган.

Умумий биржа айланмасида ўнта энг фаол брокерлик идоралари амалга оширган битимлар ҳажми салмоғи 99,8 фоизни, битимлар сони бўйича эса 94,6 фоизни ташкил этди.

Апрелда биржа савдоларида қатнашган идоралар орасида куйидагилар етакчи ўрин эгалладилар:

қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар ҳажми бўйича:

- «Kapital-Depozit» МЧЖ (БИ №443);
- «Alp omad invest» МЧЖ (БИ №416);
- «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ (БИ №442);

қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар сони бўйича:

- «HAMKOR DEPO INVEST» МЧЖ (БИ №442) – 212 та битим;
- «Portfolio Investments» МЧЖ (БИ №454) – 78 та битим;
- «Ishonch LTD» МЧЖ (БИ №444) – 68 та битим.

Мамлакатимизда китоб байрами кенг нишонланмоқда

Жорий йилнинг 25-27 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида анъанавий Республика «Китоб байрами» ўтказилмоқда.

Тадбирдан кўзланган мақсад мамлакатимиз аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада оширишдан иборат.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган тадбир доирасидан адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдими, ношир ва муаллифлар, адиб ва шоирлар, китоб графикаси рассомларининг китобхонлар билан бевожута ижодий учрашув-мулоқотлари, мушоиралар, совринли интеллектуал викториналар, шунингдек, «Китобсеварларни қўлайми!» номли концерт дастурлари ўрин олган.

26 май куни «Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзудаги V илмий-амалий конференция ҳам ташкил этилмоқда.

Жасур МИРЗАЕВ.

«КДБ Банк Ўзбекистон»дан янги хизмат

«КДБ Банк Ўзбекистон» акциядорлик жамияти «Visa Gold» ва «Visa Classic» пластик карталари эгаси бўлган мижозлари учун янги хизмат – 3D Secure («Verified by Visa») жорий этилганини маълум қилди. Мазкур хизмат интернет тармоғи орқали амалга ошириладиган транзакцияларнинг энг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлаш имконини беради.

Банкдан маълум қилишларича, мижозлар интернет тармоғи орқали «Verified by Visa» хизматига уланган сайтларда тўловни амалга ошираётганларида «КДБ Банк Ўзбекистон» сайтига йўналтирилади. Тўлов муваффақиятли ўтказилиши учун мижознинг мобил телефонига банк томонидан юбориладиган бир марталик кодни киритиш сўралади.

Шу боис банк мутахассис-

лари мижозлар SMS-инфо хизматига уланган мобил телефон рақами тўғрилигини яна бир бор текширишлари мақсадга мувофиқ эканини таъкидлашмоқда. Мижозлар ўз хоҳишига кўра, бир марталик кодни олиш учун бошқа мобил телефон рақамини кўрсатиши ҳам мумкин. Бунинг учун мижоз хизмат кўрсатиш бўлимида тегишли аризани расмийлаштириши талаб этилади.

Бекзод АҚРОМОВ.



Энг яхши тадбиркор, фермер ва ҳунарманд аниқланди

Пойтахтимиздаги «Туркистон» санъат саройида «Ташаббус – 2017» кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Мана неча йилдирки, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, ички бозорни сифатли товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда бандлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаётган тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ҳунармандлар меҳнатини кадрлаш ва рағбатлантириш анъанага айланган.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши, «Ҳунарманд» уюшмаси, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан ташкил этилаётган «Ташаббус» кўрик-танлови қулай шароит яратмоқда.

Мазкур танловнинг республика босқичига йўллана олган лауреатлар иштирокида дастлаб кўргазма ташкил қилиниб, экспозициялар озик-овқат маҳсулотлари, тиббиёт препаратлари, маиший техника, либослар, мебель жиҳозлари, заргарлик безаклари, гиламлар, қурилиш материаллари ва бошқа кўплаб маҳсулотларнинг инновацион турлари намойиш этилгани эътиборга моликдир.

Таъкидлаш жоиз, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган кенг имкониятлар натижа-сидан мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига хусусий сектор улуши тобора ортиб бормоқда.

Анъанага кўра, «Туркистон» саройида «Ташаббус – 2017» кўрик-танлови ғолибларининг номи тантанали равишда эълон қилинди. Унда «Йилнинг энг яхши тадбиркори» деб Тошкент вилоятидаги «Torimed Pharm» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аҳаджон Шукуров эътироф этилди. «Йилнинг энг яхши фермери» сифатида Андижон вилоятидаги «Бахт имкон ривож чорваси» фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Исмоилов тилга олинди. «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналишида эса, Бухоро вилоятидан Аҳмад Арабов ғолиб бўлди.

Шунингдек, маросимда лауреатлар «Энг яхши ёш тадбиркор», «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга энг кўп иш жойи яратган тадбиркор», «Менинг юртим – менинг ифтихорим», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиб», «Йилнинг энг яхши маҳсулоти», «Энг яхши экспортчи», «Энг масъулиятли ижтимоий шерик» номли қўшимча номинациялар бўйича ҳам рағбатлантирилди.

«Каштадўзлар сулоласининг бешинчи авлод вакилиман, – дейди 2017 йилнинг энг яхши ҳунарманди Аҳмад Арабов. – Ёшлигимдан қадимги Бухоро каштадўзлик санъатининг нусхаларини сақлаб қолиш бўйича изланишлар олиб бориб, бугунги кунгача уларнинг 30 турдан ортигини қайта тиклашга эришдим. Бу борада 20 йил аввал Ҳиндистонга 3 ойга малака оширишга бориб, матоларга ишлов бериш ва бўёқлар сирини ўрганиб келганман. Бугунги ютуқ барча машаққатли меҳнатимга берилган эътироф, бундан бахтиёрман.

Асосий номинациялар ғолибларига Президентимиз соврини – «Spark» автомобили, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига пул мукофотлари, махсус номинациялар совриндорларига қимматбаҳо совғалар топширилди. Ғолиблар халқаро танловлар, ярмаркалар, семинарларда иштирок этиши, ўз йўналишлари бўйича чет элда малака ошириши мумкин.

«Ташаббус – 2017» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета тахририятнинг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАХРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шахрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ихозат берилмади. Кўлезмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № 979.

Адади 7481 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 25.05.2017 й., 9.00.